



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 5/2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 9, НОМЕР 5/2

LOOK TO THE PAST
VOLUME 9, ISSUE 5/2



ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ермегов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Баҳадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Аҳмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллажаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Zamira Ishonxo‘jayeva, Ra‘no Maxkamova IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA O‘ZBEKISTON SSRDAGI AHOLI EVAKUATSIYASI MASALALARI (R-314 FONDI MATERIALLARI ASOSIDA).....	5
2. Dilrabo Babajanova XX ASRNING IKKINCHI YARMIDA O‘ZBEKISTON YO‘L XO‘JALIGIDAGI TIZIMLI ISLOHOTLAR. (AVTOMOBIL YO‘LLARI* MISOLIDA).....	11
3. Jaxongir Inayatov MUSTAQILLIK YILLARIDA FOTOGRAFIYANING OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI VA JAMOATCHILIK HAYOTIDAGI O‘RNI.....	18
4. Nurbek Matyakubov METROPOLITENLAR SOHASIDAGI XALQARO HAMKORLIK ALOQALARI TARIXIDAN.....	24
5. Nodira Radjabova “BUXORCHA” VA “MAVRIGIXONLIK”: ISTIQLOL YILLARIDA YUKSALISH, IJRO VA IJROCHILIK MAHORATI.....	30
6. Abdulxamid Anarbayev, Shukrullo Nasriddinov AXSIKENT ARXEOLOGIYA PARKINING TASHKIL ETILISHI VA UNING TURIZMNI RIVOJLANISHTIRISHDAGI O‘RNI.....	38
7. Sevara Yusupova O‘ZBEKISTONDAGI KAM SONLI MILLAT VAKILLARINING IJTIMOIIY VA MADANIY HAYOTDAGI ISHTIROKI.....	43
8. Гулчехра Абдулхай ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИДА ТУРКИСТОН АССРНИНГ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА СОВЕТ ҒОЯВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ (1925-1950 йиллар).....	46
9. Наргиза Каримова ВЫРАЩИВАНИЕ, ПРОИЗВОДСТВО И ТОРГОВЛЯ БАКАЛЕЙНЫМИ ТОВАРАМИ В УЗБЕКИСТАНЕ В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД.....	58
10. Erkinjon Kenjayev XVI–XIX ASRLARDA MARKAZIY OSIYODA TA‘LIM TIZIMINING INSTITUTSIONAL ASOSLARI: O‘QUV DASTURLARI VA SXOLASTIKA MUAMMOSI.....	63
11. Шоҳида Давурова ЎРТА ОСИЁ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ (кимёгар олимлар мисолида).....	67
12. Dilshod Xolmurodov, Shaxobiddin Yusupov O‘ZBEKISTONNING QADIMGI DAVRDAGI ME‘MORIY YODGORLIKLARI.....	74



Гулчехра Абдулхай,
PhD Гулистон давлат университети
abdulhayguliPhd@gmail.com

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИДА ТУРКИСТОН АССРНИНГ
ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА СОВЕТ ҒОЯВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ҚАРОР
ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ
(1925-1950 йиллар).**

For citation: Gulchekhra Abdulkhay. FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE SOVIET IDEOLOGICAL CONCEPT IN THE STUDY OF THE HISTORY OF THE TURKESTAN ASSR IN THE HISTORIOGRAPHY OF UZBEKISTAN (1925–1950). Look to the past. 2026, vol. 9, issue 5/2.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20401591>

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф Ўзбекистон давлатчилик тарихида 1918-1924 йилларда мавжуд бўлган Туркистон автоном Совет Социалистик Республикаси тарихи 1925-1950 йилларида яратилган адабиётларда (Ўзбекистон тарихшунослигида) турлича ёндашувлар тарихий таҳлил қилинган. Шунингдек, 20-йилларда ҳукумат сиёсий арбобларининг давлатчилик сиёсатига бағишланган асарларида Ўзбекистон тарихшунослигида Туркистон АССРнинг тарихини ўрганишда совет ғоявий концепциясининг қарор топиши ва ривожлантирилиши масалаларига нисбатан турлича ёндашувлар кўрсатиб берилган. 1940–1950-йилларда яратилган адабиётлар (монографиялар, диссертациялар, рисоалар ва бошқалар) таҳлили асосида Туркистон АССР тарихи бўйича концептуал ўзгаришлар аниқланди.

Калит сўзлар: Ўзбекистон ССР, Ўрта Осиё, Туркистон АССР, тарих фани, “Ленин назарияси”, В.И. Ленин, Сталин, сиёсий арбоблар, “миллият” сиёсати, коммунистик партия, совет ҳукумати, съезд, монография.

Гулчехра Абдулхай,
Гулистанский государственный университет
PhD
abdulhayguliPhd@gmail.com

**СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ СОВЕТСКОЙ ИДЕОЛОГИЧЕСКОЙ
КОНЦЕПЦИИ В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ ТУРКЕСТАНСКОЙ АССР В
ИСТОРИОГРАФИИ УЗБЕКИСТАНА (1925–1950 гг.)**

АННОТАЦИЯ

В статье автор проводит исторический анализ различных подходов к изучению истории Туркестанской Автономной Советской Социалистической Республики,

существовавшей в 1918–1924 годах в истории государственности Узбекистана, отражённых в литературе 1925–1950-х годов (в историографии Узбекистана). Кроме того, показано, что в трудах политических деятелей 1920-х годов, посвящённых вопросам государственной политики, представлены различные подходы к проблеме становления и развития советской идеологической концепции в изучении истории Туркестанской АССР в узбекской историографии. На основе анализа литературы, созданной в 1940–1950-х годах (монографии, диссертации, брошюры и др.), выявлены концептуальные изменения в исследовании истории Туркестанской АССР.

Ключевые слова: Узбекская ССР, Средняя Азия, Туркестанская АССР, историческая наука, «ленинская теория», Владимир Ленин, Иосиф Сталин, политические деятели, национальная политика, коммунистическая партия, советская власть, съезд, монография.

Gulchekhra Abdulkhay,
Gulistan State University
PhD
abdulhayguliPhd@gmail.com

FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE SOVIET IDEOLOGICAL CONCEPT IN THE STUDY OF THE HISTORY OF THE TURKESTAN ASSR IN THE HISTORIOGRAPHY OF UZBEKISTAN (1925–1950)

ABSTRACT

In this article, the author conducts a historical analysis of various approaches to the study of the history of the Turkestan Autonomous Soviet Socialist Republic, which existed in 1918–1924 in the history of Uzbekistan's statehood, as reflected in the literature of 1925–1950 (within the historiography of Uzbekistan). Furthermore, it is demonstrated that in the works of political figures of the 1920s devoted to issues of state policy, different approaches are presented regarding the formation and development of the Soviet ideological concept in the study of the history of the Turkestan ASSR within Uzbek historiography. Based on the analysis of literature produced in the 1940s–1950s (including monographs, dissertations, brochures, and other works), conceptual changes in the study of the history of the Turkestan ASSR have been identified.

Index Terms: Uzbek SSR, Central Asia, Turkestan ASSR, historical science, “Leninist theory,” Vladimir Lenin, Joseph Stalin, political figures, national policy, Communist Party, Soviet government, congress, monograph.

Долзарблиги:

Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари замонавий жамият тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатиш билан бирга, турли хил бузғунчи ғоялар ва мафкуравий таҳдидларнинг кучайишига ҳам замин яратмоқда. Бундай шароитда умуминсоний ва миллий кадриятларни асраб-авайлаш, уларни илмий асосда тарғиб этиш, айниқса, давлатчилик тарихи ва унинг илдизларини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, турли халқлар ҳаётига катта таъсир кўрсатган совет даври моҳиятини холис ва танқидий руҳда таҳлил қилиш долзарб илмий вазифалардан бири ҳисобланади.

Хусусан, 1924 йил охирида амалга оширилган миллий-худудий чегараланиш натижасида жаҳон сиёсий харитасида янги давлат тузилмаси — СССР таркибидаги иттифокдош республика сифатида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топди. Унинг таркибида пойтахти Душанбе бўлган Тожикистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ҳам эълон қилинди. Янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР худудига Туркистон АССР таркибида бўлган Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг катта қисми, шунингдек, собиқ Бухоро Халқ Совет Республикасининг марказий ва ғарбий худудлари — Зарафшон, Сурхондарё ва Қашқадарё водийлари ҳамда Хоразм воҳаси

киритилди. Бу жараён натижасида Туркистон АССР тарихий жараён сифатида яқунланиб, у Ўзбекистон давлатчилиги тарихи ривожидида алоҳида бир босқич сифатида намоён бўлди.

Шу боис, Туркистон АССР тарихи ва унинг совет давридаги талқинини Ўзбекистон тарихшунослиги нуқтаи назаридан ўрганиш, айниқса, 1925–1950 йилларда шаклланган совет ғоявий концепцияси доирасида таҳлил қилиш, бу жараёндаги концептуал ўзгаришларни аниқлаш ҳамда ҳолис баҳолаш бугунги кун илмий тадқиқотлар учун долзарб аҳамиятга эгадир.

Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур мақола муаммовий-даврий, қиёсий-солиштирма, тизимли ва герменевтик каби методларга таяниб ёзилган. Муаммога оид тадқиқотлар объективлик, тарихийлик, изчиллик, ҳаққонийлик тамойиллари асосида ёритилиб, тизимли таҳлил этилган. Мавзуга доир концепциялар ва адабиётларни таснифлаш, илмий қараш ва фикрларни аниқлаш, ҳолислигига эътибор қаратиш, муаллифнинг муаммога доир ёндашувини аниқлаш каби вазифалар асосида тарихшунослик жиҳатидан баён этилган. Муаммога доир муаллифнинг илмий қарашлари, ёндашув ва фикрлари ўрин эгаллаган. Мавзуга оид тадқиқотларни даврий тамойилга кўра, муаммога бағишланган махсус илмий тадқиқотлар ҳамда катта даврий кесим оралиғида 1917-1924 йилларни ҳам қамраб олган адабиётларни ажратиб таҳлил қилинган. Айтиш жоизки, муаммога бағишланган ҳукумат сиёсий арбобларидан В.И. Ленин, Сталин, Турор Рисқулов, Н. Бухарин, Ф. Хўжаев, А. Икромовларнинг давлатчилик сиёсатида бағишланган асарларида ўлкада совет ҳокимияти раҳбарлари томонидан олиб борилган сиёсатга турлича баҳолар берилган. 30-50 йилларни қамраб олган адабиётларда эса бу масалани Д.И. Манжара, К. Житов, М.Т. Турсунов, А.Я. Вишинский, Х.Ш. Иноятов, В.Я. Непомнин, А.А. Гордиенко ва бошқа тадқиқотчилар асарларида тадқиқ қилинган.

Тадқиқот натижалари:

XX асрнинг 20-йилларда ижтимоий фанлар, хусусан тарих фани ривожидида бевосита жамият тараққиётининг асоси ҳисобланган сиёсий ҳамда иқтисодий йўналишлар билан боғлиқликда ифодаланган. Шу жиҳатдан, 20-йилларнинг 2-ярмида ўлка тарих фани учун қарама-қаршиликлар ва мураккаб даврлардан бири бўлди. Туркистон АССР тарихига оид илмий изланишлар “Ленин назарияси” билан биргаликда амалга оширилди. Нашрлар таҳлили шуни кўрсатадики, улар марказ “кўрсатма”лари асосида тайёрланган адабиётлар йиғиндиси сифатида вужудга келган эди.

Муаммони ўрганишда совет концепциясининг яратилишида ҳукумат сиёсий арбобларининг давлатчилик сиёсатида бағишланган асарлари етакчи ўрин тутди [1]. Уларнинг асарлари Туркистон АССР тарихига бевосита алоқадор бўлиб, муаммога ёндашув турлича эканлиги билан бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Масалан, Турор Рисқулов ўз китобида 1917-1919 йилларда ўлкада совет ҳокимияти раҳбарлари томонидан олиб борилган сиёсатида маҳаллий аҳоли манфаатлари ҳисобга олмаганликларини, оқибатда қуролли ҳаракатларнинг доимий равишда мавжуд эканлигини таъкидлаган. Шу билан бирга, муаллиф ўлкада ташкил топган бошқарув органлар фаолиятларига ҳам умумий баҳо берган. Жумладан, 1920 йилда тузилган Туркистон бюроси (Туркбюро)ни “...ички партия курашининг органи эмас, коммунистик тарғиботнинг кучли аппаратларидан бири эди. Бундай аппарат сифатида Мусбюро Туркистон ва кўшни мамлакатларда ҳам маълум бўлган. Гарчи, партия ичида Мусбюро ўз фаолиятини юритса ҳам, буларнинг барчаси ички партия ҳаётининг табиати эди” [2;5] - деб ўз баҳосини беради.

Н. Бухарин Туркистон АССРни “йўқсиллар ҳокимияти” сифатида баҳолаб, “тарих Ленин назариясини тўғри бўлганлигини исбот қилган”лигини баён қилади [3;12]. А. Икромов эса, “...подшолик давридаги мустамлакачилик сиёсати сарқитларини йўқотиш учун миллий муноса-батларни ҳал қилиш йўли билан бориши лозим”[4;4] -деган фикрни илгари суради.

Ф. Хўжаев: “Туркистонни Русия билан қўшилиши бу Ленин миллият сиёсатининг бошланиши, ...мана фақат шундагина Шарқ халқларининг миллий озодлиқ тоши ҳақиқий миллий қурилишининг тоши қўйилди. ...биринчи мартаба миллият масаласи Ленин руҳида

кўйилган”лигини [5;108] таъкидлайди. Муаллифлар ўз асарларида Туркистон АССР тарихини ёритишга хизмат қилувчи фикр-мулоҳазалари “Доҳий” номи билан изоҳлаганлиги кўзга ташланади. Туркистон АССРни “ишчи-деҳқон ҳокимияти” деб таърифлаш давлат арбобларнинг асосий мезонига айланганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Шунингдек, ушбу йилларда В.И. Лениннинг “кўрсатма”лари жамланган ўзбек тилидаги дастлабки нашрлар [6] ҳам пайдо бўлди. Уларда В.И. Лениннинг нутқлари ва мақолалари берилган. Бу жараён кейинги йилларда вужудга келган адабиётларга ўз таъсирини ўтказди.

20-йиллар охирларида, Туркистон АССР тарихини ёритишда “Ленинизм” назариясидан самарали фойдаланилган ва бир қатор тадқиқот ишлари вужудга келди [7]. Улар асосан рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган адабиётлардир. Мазкур адабиётларда ўлкага нисбатан Совет ҳокимиятининг “миллият” сиёсати, Туркистон коммунистик партияси фаолияти тўғрисида бир-бирига ўхшамаган ва тақрорланмаган тарихий фактлар ва таклифлар баён қилинган. Масалан, С. Муравейский совет ҳукуматининг Туркистон Республикасидаги дастлабки сиёсатини куйида-гича баҳолайди: “...шўролар секин-аста маҳаллий ва қишлоқ ерлик халқнигина эмас, балки миллатчилик руҳи билан руҳлангон шўролар ҳукуматини танигон ерлик зиёлиларни ўзига жалб қила бошладир. Бу руҳ биринчи навбатда оврўпалик халқнинг тилагини баён қилгучи, оврўпалик ўртоқларни бутун тутғон сиёсати ва ҳаракатидан келиб чиққан эди” [8;48].

1928 йилда нашр этилган “Революция в Средней Азии” номли тўпламга турли мавзудаги мақолалар ва хотиралар киритилган бўлиб, уларнинг айримларида Коммунистик партия тарихи ва фаолиятига ҳам ўрин ажратилди [9]. Тўпламдаги П. Антроповнинг мақоласида Туркистон коммунистик партияси “большевизм тарихида”ги муҳим воқеа эканлиги, мазкур партиянинг тузилиши ҳукуматнинг “марказлаштириш” сиёсати эканлигини таъкидлайди [10;8]. Муаллиф мақоласининг хулоса қисмида бир қанча таклиф-ларни ҳам берган. Булар: “...кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда Коммунистик партиянинг тарихини ўрганиш; Октябрь инқилоби ва миллий сиёсат масалаларини; “босмачилик” ва бошқа масалалар” эди. Бу таклифларни совет олимлари инobatга олганлигини, кейинги йилларда нашрлар сонини кескин ортиши билан изоҳлаш мумкин. Шу ўринда, САКУ [11] нашриёти томонидан “Коммунистическая мысль” журналида Туркистон АССР коммунистик партия фаолияти тўғрисидаги мақолаларни [12] алоҳида таъкидлаш даркор. Ушбу нашр ўз даври учун долзарб бўлган мавзуларни ҳам ёритиб борган.

1927 йилда “Коммунистическая мысль” журналида муаллиф Е. Зелькина томонидан ёзилган “Туркистон коммунистик партияси тарихини қандай қилиб тўғри ёзиш керак” номли мақоласи [13; 162-167] чоп қилинди. Мақолада муаллиф Е. Федеровнинг шу журналда 1926 йилда чоп этилган Туркистон коммунистик партия тарихига бағишланган мақоласини таҳлил қилган бўлиб, унга танқидий муносабат билдирган. Е. Зелькина Е. Федеровнинг мақоласида фақатгина партиянинг съездлар, конференциялари, съезд қарорлари санаб ўтилганини, аслида мақолада партиянинг тарихий ривожланиш босқичлари, қандай қилиб партияд “большевиклашув” юз берганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслигини танқид қилади. Е. Федеровнинг мақоласи ҳақиқатдан ҳам шундай эди.

Е. Зелькина Туркистон АССР тарихини ўрганишда куйидаги муҳим жиҳатларни эътибордан четга чиқармаслик кераклигини ёзади. У Ўрта Осиё партия тарихини ҳозирги долзарб сиёсатни тарихга боғлаб ўрганиш кераклиги; Туркистон мазлум халқлари тинимсиз синфий, сиёсий курашлар гирдобида эканлигини инobatга олиш лозимлигини; ўлкада ҳар хил йўналишлар (Троцкизм, Ленинизм – А.Г.), у ёки бу қатлам манфаатларини ҳимоя қиладиган турли гуруҳларни (гуруҳларга хунармандлар, миллий зиёлилар, деҳқонлар, шовинистик ғоя тарафдорларини киритган) ва бошқа жиҳатларни санаб ўтади [14; 163-164].

Умуман олганда, 20-йиллар охирларида яратилган адабиётларда Туркистон АССР тарихининг муҳим воқеаси бўлган ягона партиянинг фаолиятини ўрганиш лозимлиги асосий масала қилиб белгиланган.

1931 йилнинг ёзида ВКП(б) Коммунистик партия Марказий қўмитасининг қарори чиқди. Унга асосан “фуқаролар уруши” тарихи бўйича адабиётлар нашр этишга эътибор қаратилди. Ана шу жиҳатдан 30-йилларда совет даври тарихшунослигида Туркистон АССР тарихини акс этувчи “фуқаролар уруши” [15] га бағишланган асарлар вужудга келди. Улар дастлабки бевосита Туркистон АССР тарихини ёритувчи асарлардан бири эканлиги билан алоҳида қийматга эга бўлиб, мазкур адабиётларга “Туркистон коммунистик партияси, Ленин раҳбарлиги остида” “пролетар давлати”ни куришда олиб борилган ўлка бошқаруви ҳақида қисқа фикр ва хулосалар киритилган эди.

1933 йилнинг апрель ойида Ўрта Осиё инқилобий ҳаракат тарихи илмий тадқиқот институти ташкил топди. Унинг фаолиятида Туркистон АССРни ташкил топиши, миллий давлатчилик масалаларини ўрганиш асосий вазифалардан бири қилиб белгилаб берилди. Бу борада Совет ҳукумати вакили Д.И. Манжара томонидан чоп этилган хотиралар тўплами [16] Туркистон АССР тарихини ёритувчи манба сифатида алоҳида ажралиб туради. Тўпلام 1905 йилдан 1920 йилгача ўлкада юз берган жараёнларни ўз ичига олади. Муаллиф 1918 йилда ўлкада эълон қилинган автономияни навбатдаги “ленинча миллий сиёсат”лардан бири, эндиликда эса ўлкада большевикларнинг сиёсий масаласини миллий масалага йўналтиришдаги катта силжиш эканлигини баён қилади. Бунга сабаб қилиб: “...туб аҳолининг ишчи кучларини Совет қурилишига кенг жалб қилиш масаласи кўтарилди” – деб кўрсатади. Шунингдек, Д.И. Манжара совет бошқарувининг структураси етарлича аниқ эмаслигини таъкидлайди [17; 34-35].

30-йиллардан “партия тарихи” [18] мавзулари устуворлик қилган адабиётлар нашри жадаллашди. Мазкур адабиётлар орасида К. Житов ва В. Непомнинларнинг ҳаммуаллифликдаги монографиялари Ўзбекистон ССРнинг 15 йиллигига бағишланган. Муаллифлар томонидан Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатишнинг “асосий вазифалари” кўрсатиб берилган эди: “Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг асосий шартлари: мустамлакачилик, маҳаллий миллатчилик билан кураш, ...жойларда маҳаллий советлар негизида бу автономияни куриш эди. ...Туркистон Совет авто-номиясини ҳаётга татбиқ қилиш совет ҳокимияти органлари билан маҳаллий меҳнаткаш халқни бирлаштирди” [19; 52-57].

30-йилларда мустабид тузумнинг мафқуравий тазйиқларининг кучайиши Туркистон АССР тарихшунослигига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Натижада, бу йиллар Сталин шахсини улуғлаш билан изоҳланди. Унга ҳам худди Ленин каби “дохий” сифатида қараш бошланди. Барча миллий тилларда, шунингдек, ўзбек тилидаги нашрларнинг мазмуни шу қарашлар билан бойитилди [20]. Жамият ҳаётида “дохий” образини сингдиришда О.Эшонунинг ўзбек тилида ёзилган “Улуғ Сталин Конституцияси социалистик давлатимизнинг асосий қонуни” номли диссертацияси муҳим роль ўйнади. У ўз тадқиқотида Туркистон Республикасини РСФСР таркибига киритилишини қуйидагича изоҳлайди: Туркистон Совет Социалистик Республикаси бўлганлиги учун 1918 йилдаёқ Россия Совет Федератив Социалистик Республикасига уюшган эди” [21;38].

Шу ўринда айтиш жоизки, ушбу тадқиқот Туркистон тарихига бағишланган дастлабки ўзбек тилидаги диссертация саналади.

1943 йил 4 ноябрда СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали Тил, адабиёт ва тарих институти асосида (1970 йилгача - ЎзССР ФА Тарих ва археология институти) ташкил қилинди. У олтига бўлимдан иборат бўлиб, улардан бири “Совет даври тарихи” (раҳбар Р. Мусин) бўлими эди. Бу даврда тарих фани олдидаги асосий мақсадлардан бири, коммунистик ғоя асосидаги илмий тадқиқот ишларини яратиш ва унга хизмат қиладиган мутахас-сисларни етиштиришдан иборат бўлган.

Қайд этиш керакки, Туркистон АССР тарихини ўрганишдаги совет концептуал ёндашувини ривожлантириш 40-йилларнинг иккинчи ярмидан авж олди. Бу вақтга келиб, Октябрь инқилобини Туркистон АССР тарихи билан илмий жиҳатдан боғлаб ўрганиш тарих олдидаги асосий вазифа қилиб белгиланди. Бу йилларда Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилишидаги назарий масалалар асосан профессор К. Житов [22], И.К. Додоновларнинг

[23] асарларида ўз ифодасини топган. Уларнинг асарлари тадқиқот доирасидаги асосий адабиётлар ҳисобланади.

К. Житов Ленин ва Сталин асарларида илгари сурилган социалистик тамойиллар асосида Туркистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилишидаги “миллий давлат қурилиши”ни куйидагича талқин қилади: “Ленин-Сталин партияси бошчилигида ва рус халқининг биродарларча кўмаги билан ўзбек ишчилари ва деҳқонлари Туркистоннинг барча меҳнаткаш халқлари сингари, совет ҳокимиятини ўрнатдилар, бу уларни зулм ва кучсизликдан абадий озод қилди, тарихий ривожланишнинг кенг йўлига олиб чиқди” [24;26]. Олимнинг бу фикрлари кейинги даврларда яратилган илмий тадқиқот ишларининг йўналишини ва методик асосини кўрсатиб берди. К. Житовнинг ушбу мулоҳазалари И.К. Додоновнинг асарида ҳам учрайди [25;28].

Қайд этиш лозимки, 40-йилларнинг охирларига келиб, иқтисодчилар томонидан ҳам Туркистон АССР тарихига бевосита алоқадор бўлган дастлабки номзодлик диссертациялари вужудга келди [26]. Шу ўринда бир савол туғилади. Нима учун айнан иқтисодчилар Туркистон АССР тарихига кўл урдилар? Биринчидан, иқтисодий жараёнлар ижтимоий соҳа билан боғлиқликда ривожланади. Иккинчидан, ўлкада ижтимоий-иқтисодий соҳалар инқирозга юз тутган даврда, кўплаб иқтисодий ислохотлар ҳамда чора-тадбирлар амалга оширилган.

Шунингдек, бу даврда кўплаб тарихчи олимлар томонидан яратилган тадқиқот ишларида [27] муаммога доир қисқа даврий чегаралар доирасида, ҳамда умумий фикр-мулоҳазалар мавжудлиги кўзга ташланади. Уларга Туркистон АССР тарихини ёритувчи кўшимча адабиётлар сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Мисол қилиб, 1947 йилда П. Котлярнинг М. Вайс билан ҳаммуаллифликда чоп этилган асарини келтириш мумкин. Унда, Туркистонда автономиянинг эълон қилиниши муносабати билан қисқагина қилиб: “...собик Туркистон ўлкасининг меҳнаткаш халқлари: ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар, буюк рус халқининг ёрдами билан ҳамда Ленин, Сталин раҳбарлиги Совет Иттифоқининг қардош халқларининг буюк оиласида мустамлакачилик давридан абадий озод қилинди” [28;21]-деб, ўз муносабатини билдирган.

Шу билан бирга, А.Я. Вишинский ўлкада: “Совет давлатининг яратиш ва ривожланишдаги муваффақиятларга сабабчи бўлган нарсалардан бири бу большевистик сиёсатдир” [29;34], деб таъкидлаган. К. Калишников эса: “Совет халқи, большевистик партияси, улуғ Сталин раҳбарлиги остида ўлкада социализм қурди” [30;4], деб ёзади.

Бу йилларда нашр этилган адабиётларда асосан ўлкада совет давлатини яратиш ва ривожланишидаги муваффақиятларга сабаб бўлган ҳолатлар бу- “большевистик сиёсат” ва “ленинча-сталинча принцип” эканлигига урғу берилган.

40-йиллардан кейин, Туркистон АССРни ўрганиш жадал суръатларда давом этди. Натижада ушбу тадқиқотга ёндашувларда мавзуларнинг кенгайи-ши кузатилади. 50-йилларга келиб, Ўзбекистон тарихига бағишланган йирик монографиялар яратилди. Ушбу монографияларда Туркистон АССР тарихи алоҳида боб ёки бўлим шаклида тақдим этилди [31].

Таъкидлаш жоизки, Туркистон АССРга оид бўлган адабиётлар асосан “СССР тарихи” фан ихтисослиги доирасида ёзилган, ҳамда ўлка бошқа автоном республикалардан фарқли ўлароқ кўп миллатли “автоном” респуб-лика сифатида баҳоланиб, “улуғ рус халқининг қоқоқ ўзбек халқи ҳаётига киритган ўзгаришлардаги ўрни” сифатида бўрттириб кўрсатилди.

Шунингдек, муаммони ўрганишда совет концепциясига кўра, Туркистон совет автономиясини эълон қилиниши ўлка халқларининг тарихида янги давр бошланганлиги, қонун чиқариш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳуқуқий жиҳатидан “ихтиёрийлик асосида” РСФСР таркибига кирганлиги ва унинг ажралмас, узвий бир қисми сифатида тўла озодликка ва мустақилликка эришганлиги, “чет эл империалист”лари томонидан қуллик асоратига солиниш хавфи йўқолганлиги билан белгиланди.

Совет тарихшунослигида ушбу сиёсий жараёнлар марксизм-ленинизм ғоялари билан боғлиқликда ўрганилди ва таҳлил қилинди. Лениннинг тўлиқ асарлари тўплами ҳам шу даврда (55 жилд) ўзбек тилида нашр этилди.

Бу йилларга доир яна бир хусусият шундаки, тарихчи олимлар билан бир қаторда ҳуқуқшуносларнинг монография, докторлик ва номзодлик диссертациялари яратилди. Х.С. Сулаймоновнинг докторлик диссертациясида [32] Туркистон АССР тарихи ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Чунончи, муаллиф тақиқот ишида ўлкада суд-ҳуқуқ тизимининг шаклланиши тарихини ёритишда тарихий фактларни илмий муомилага киритди.

Шунингдек, юридик фанлари доктори С. Раджабовнинг асарида Туркистон АССР тарихидаги муҳим бўлган воқеалар ҳақида маълумотлар берилган. Масалан, у “РКП(б) Марказий Қўмитаси томонидан 1920 йил март ойида ишлаб чиқилган “Туркистон автономияси тўғрисидаги низом” ТАСССР ва РСФСР ўртасидаги муносабатларни аниқлаб берди ва Туркистон автономиясининг маҳаллий буржуа миллатчилари ва рус шовинистлари томонидан бузиб талқин қилинишдаги барча бўшлиқларни ёпди” [33;128]– деган ўша давр учун хос бўлган мулоҳазаларни билдирди. У фикрини асослаш учун Низомдан парчалар келтиради. Шунингдек, муаллиф ушбу низом асосида 1920 йил 30 августда Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасининг (БМИК) “Туркистон Республикаси тўғрисида” қарор қабул қилинганлигини, ушбу қарор билан Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси РСФСРнинг автоном қисми сифатида унга Туркистон Социалистик Респуб-ликаси номини берганлигини баён қилади [34]. Ушбу тарихий ҳужжат ҳақидаги маълумотлар кейинги даврларда тарихчи олимлар томонидан яратилган асарларда деярли учрамайди. 50-йилларнинг ўрталарига келиб, Туркистон АССР тарихида асосий масала сифатида “фуқаролар уруши” мавзуси ўрганилган. Буни 1956 ва 1957 йилларда Тарих институт томонидан дастлабки илмий тўпламлар [35] ва “фуқаролар уруши” катнашчиларининг хотиралари тўпламлари [36] нашр этилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ушбу тўпламларда Туркистон АССР ва асосан Фарғона водийсида 1917-1924 йилларда вужудга келган миллий озодлик ҳаракатлари тадқиқ этилган. Улардаги айрим фикрлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлса-да, муаммо таҳлилида коммунистик мафкура устинлик қилганини айтиш ўринлидир.

Чунончи, бу даврда Туркистон АССР тарихига бағишланган махсус йирик монографиялар ҳам яратилди [37]. Улар ўлкада юзага келган “фуқаролар уруши”, “партия тарихи”, “Қўшчи” уюшмаси ва ўлка саноатига бағишланган.

Жумладан, тарих фанлари доктори А.И. Зевелев Туркистон АССРда юз берган “фуқаролар урушини” даврлаштириш масаласига мурожаат қилиб, Ўзбекистонда бу жараён ўша даврда бутун Совет мамлакати ичида содир бўлган фуқаролар урушининг ажралмас қисми бўлганлигини таъкидлайди. Олим Ўзбекистондаги “фуқаролар уруши” даврини (1921-1923 йиллар) тўрт даврга бўлиб, уни қуйидагича изоҳлайди:

1. 1917 йил охири – 1918 йилнинг ўртаси. Фуқаролар урушининг бошланиши.
2. 1918 йилнинг ёз ойи – 1919 йилнинг апрель ойи. Фуқаролар уруши-нинг шаклланиши ва ўлкани тўлиқ душман қуршовида қолиши.
3. 1919 йилнинг апрель – сентябрь ойлари. Фуқаролар урушининг кучайиши.
4. 1921-1923 йиллар. Марказ билан Туркистон Республикасини батамом бирлаши ва фуқаролар урушининг ўчоқларини тор-мор этилиши даври [38;16].

Шуни айтиш жоизки, А.И. Зевелев Туркистондаги ушбу жараён моҳия-тига қуйидаги баҳони берган: “Фуқаролар уруши йилларида рус ва ўзбек халқларининг дўстлиги, шунингдек, Ўрта Осиё халқларининг дўстлиги мустаҳкамланди ва қасамёд қилинди”.

50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, илмий тадқиқотларда Туркистон АССРнинг тарихи катта даврлар кесимида қамраб олинган йирик адабиёт-ларда акс эта бошлади [39]. Уларда Туркистон АССР Конституциясини қабул қилиниши ва унинг аҳамиятини, ҳамда ўлкада қабул қилинган қарор ва низомларнинг қисқача мазмунини келтирилади. Масалан, Х.Т. Турсуновнинг асарида 1920 йилда Бутун Россия МИКнинг “Туркистон Республикаси ҳақида”ги қарори қабул қилинганлиги ҳақида қуйидагича баён қилинган: “...бу қарорда

Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасини РСФСРнинг автоном қисми ва у Сирдарё, Еттисув, Фарғона, Самарқанд, Закаспий ва Амударё областларидан иборат эканини ва унга “РСФСРнинг Туркистон Социалистик республикаси” деган ном берилганини эълон қилди” [40;46]. Ушбу қарорга нисбатан берилган илмий мулоҳазаларда совет мафкуравий нуқтаи назари устувор бўлган. Шунингдек, бу давр тарихи ҳақиқатдан йироқ бўлган фактлар билан тўлдирилди.

50-йилларнинг охирларига келиб, муаммога доир Совет концепциясини ривожлантиришда ҳарбий соҳа вакили Г.М. Яковлев [41] ва ҳуқуқшунос З. Иномжоновларнинг [42] фаол иштироки кўзга ташланади. Улар муаммо талқинида асосан давр матбуоти ва архив ҳужжатларидан кенг фойдаландилар. Хусусан, З. Иномжонов тадқиқотини бевосита Туркистон АССРнинг тарихига бағишланган дастлабки ўзбек тилидаги рисола дейиш мумкин. Китобда Туркистонда совет автономиясининг эълон қилиниши, Туркистон республикасида совет давлатчилигини қуришда мавжуд съезд қарорларининг аҳамияти, Туркистон АССРнинг биринчи ва иккинчи консти-туцияларининг ҳуқуқий жиҳатлари талқин қилинган. У 1918 йил апрель ойидаги ўлка V съезд томонидан тасдиқланган “Туркистон Совет Автоном Республикасини тузиш ҳақида”ги Низомни чинакам таъсис қилувчи конституцион акт тусидаги ҳужжат сифатида баҳолаб, ўлка аҳолиси ўз ихтиёри билан Совет Федерацияси таркибига киришга розилик билдирганлигини ҳуқуқий жиҳатдан изоҳлашга ҳаракат қилди.

Шунингдек, З. Иномжонов, Х.Т. Турсунов, А.А. Гордиенколар Туркистонда совет ҳокимияти фаолиятини дастлабки 3 та муҳим сиёсий воқеалар билан боғлайдилар:

- 1) Туркистонда автономиянинг эълон қилиниши ва “Туркистон Совет Автоном Республикасини тузиш ҳақида”ги Низомнинг [43] тасдиқланиши;
- 2) Туркистон Коммунистик Партияси (ТКП) конференциясининг ўтказилиши;
- 2) Туркистон АССР биринчи Конституциясининг эълон қилиниши билан белгиланди [44].

Э. Воскобойников, А. Зевелев, Х.Т. Турсуновларнинг асарларида эса, марказ томонидан ўлкада “социализм маёғи” ни ёқиш ҳамда яратилган ҳокимият тузилмалари ҳисобланган Турккомисия ва Туркбюро ҳамда ягона партиянинг яратилиши, вазифалари, фаолиятлари ҳақида баён қилинган [45]. Масалан, Х.Т. Турсунов Туркистон коммунистик партиянинг олиб борган сиёсатларида бир қанча хатоликлар мавжуд бўлиб, мисоллар орқали қуйидагича ёзади: “1919 йил март-апрель ойларидаёқ Туркистон Ком-партияси Ўлка комитети қошида ёрдамчи орган сифатида Мусулмон бюроси ташкил этилди. У маҳаллий миллатларнинг меҳнаткашлари ўртасида сиёсий ишларни олиб бориши, ташкилотларда партияга ёрдам бериши ва маҳаллий коммунистларни большевикча руҳда тарбиялаши лозим эди. Аммо Мусбюро раҳбарлигида сепаратистик, фракцион тенденциялар устун бўлиб қолди ва у ўзини Туркистон компартияси Ўлка комитетига қарши қўя бошлади. Мусбюро раҳбарлигида турган Т. Рисқулов Туркистон АССРни “Турк Совет республикаси” қайта тузиш лойиҳаси ва партия қарорларига тескари бўлган қарорлар чиқарганлиги сабабли миллатчи, оғмачиликка йўл қўйди” [46;35-40].

Айтиш жоизки, мазкур йиллардаги адабиётларда ўлка аҳолиси фақатгина “Октябрь инқилоби ва “совет автономияси” ўрнатилгандан кейин тузилган совет ва органлар орқали бир қатор сиёсий ҳуқуқларга эга бўлди” деган жумлалар сиёсий жараёнларнинг асосий мазмуни сифатида кенг фойдаланилди.

Хулоса:

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, совет даври Ўзбекистон тарихшунослигида энг катта даврлардан бири бўлиб саналади. Мазкур йилларда яратилган илмий тадқиқот ишлари, адабиётларнинг аксарият қисми марказ “кўрсатмалари” асосида яратилди. Дастлабки илмий изланишлар (20-йиллар) “Ленин назарияси” билан биргаликда амалга оширилган бўлиб, ҳуқуқат сиёсий арбобларининг асарларидан иборат эди. Улар Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилишига турли хил баҳолар бердилар:

- “йўқсиллар ҳокимияти”;

- “Ленин миллий сиёсати”;
- “ишчи-деҳқон ҳокимияти”.

30-йиллардан бошлаб, партиянинг вужудга келиши “марказлаштириш сиёсати” сифатида қаралди. Шунингдек, “Сталинча сиёсат” Туркистон АССР тарихшунослигига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Яратилган илмий тадқиқотларда Сталин шахсини улуғлаш кучайди. 40-йиллардан бошлаб эса, Ленин ва Сталин ғояси биргаликда илгари сурилди. Натижада, ягона ёндашув қуйидагича талқин қилинди: “Ленин ва Сталин раҳбарлигида рус халқининг биродарларча кўмаги билан қардош халқларнинг буюк оиласи зулм ва кучсизликдан абадий озод қилинди”. Мазкур ёндашув кейинги йилларда ривожлантирилди.

50-йиллардан келиб, “Марксизм – Ленинизм ғояси” устуворлик қилган. Шунингдек, мазкур йилда Туркистон АССР тарихига тааллуқли адабиётлар сони ортганлиги кўзга ташланади. Нашр этилган адабиётлар Октябрь инқилоби ва совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, партия қурилиши, “фуқаролар уруши” тарихи Ленин ва Сталин асарлари, коммунистик партиянинг съезд қарорлари, конференция материаллари, давр матбуоти асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Iqtiboslar/Сноски/ References:

1. Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана (Сборник главнейших статей, докладов, речей и тезисов). Част 1. 1917-1919. – Ташкент: Узбекское государственное издательство, 1925; Ленин В.И. Ёш коммунистлар саюзининг вазифалари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1925; Бухарин Н. Инқилобий назариётчи. –Тошкент: Ўзбек давлат нашриёти, 1925; Хўжаев. Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Самарқанд-Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1926; Икромов. А. Ер ислохотининг яқунлари уни мустаҳкамлашда келгуси амаллар. – Самарқанд-Тошкент: Туркистон давлат нашриёти, 1927; Ўша муаллиф. Миллий масалада сўлларнинг оппортунистик оғмалари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1927; Когонович Л.М. Бутун иттифоқ коммунистлар (большевиклар) фирқаси қандай тузилган. – Самарқанд-Тошкент: Туркистон давлат нашриёти, 1927.
2. Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана (Сборник главнейших статей, докладов, речей и тезисов). Част 1. 1917-1919 ... – С. 5.
3. Бухарин Н. Инқилобий назариётчи. ... – Б. 12.
4. Икромов. А. Ер ислохотининг яқунлари уни мустаҳкамлашда келгуси амаллар. ... – Б. 4.
5. Хўжаев. Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. ... – Б. 108.
6. Ленин В.И. Ёш коммунистлар союзининг вазифалари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1925; Ўша муаллиф: Сўнги мақола ва нутқлар. – Самарқанд -Тошкент: Ўзнашр, 1929; Ўша муаллиф. Давлат ва инқилоб. – Самарқанд-Тошкент: Ўзнашр, 1929.
7. Муравейский С. Ўрта Осиёдаги инқилобий ҳаракат тўғрисида тарихий парчалар. – Тошкент-Самарқанд. Туркистон давлат нашриёти, 1927; Попов Н.Н. Шўролар ҳукумтининг миллий сиёсати. – Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1927; Бабаев А. Октябрь инқилоби деҳқонларга нималар берди? – Самарқанд: Уздавнашр, 1927; Бутун иттифоқ коммунистлар фирқасининг программаси. – Тошкент-Самарқанд: Туркистон давлат нашриёти, 1927; Тожиев А. Миллий сиёсат масалалари (Октябрнинг 10 йиллигига). – Ташкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1927; Ғози Юнус. Ленин йўлида. – Тошкент: Туркистон давлат нашриётининг биринчи матбааси, 1927; Революция в Средней Азии. Сборник 1. – Ташкент: Правда Востока, 1928; Ходи Файзий. Бир мамлакатда социализм қуриш масаласи ҳам оппозитсия. – Тошкент-Самарқанд: Ўзнашр, 1928; Валидов А. Қизил аскар ва босмачилиқ. – Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1928; Адхамов. Дин ҳам шўролар ҳукумати. – Тошкент-Самарқанд: Ўзнашр, 1929; Юраславский. ВКП(б) аъзолари ва кандидатларини тозалаш ҳам текширтириш тўғрисида. – Самарқанд-Тошкент: Уздавнашр, 1929.
8. Муравейский С. Ўрта Осиёдаги инқилобий ҳаракат тўғрисида тарихий парчалар. ... – Б. 48.

9. Антропов П. Первый съезд коммунистической партии Туркестана (КПТ). // Революция в Средней Азии. Сборник 1. – Ташкент: Правда Востока, 1928.
10. Антропов П. Первый съезд коммунистической партии Туркестана (КПТ). ... – Б. 8.
11. Ўрта Осиё коммунистик университети.
12. Федеров Е. К истории коммунистической Партии Туркестана // Коммунистическая мысль. Книга 2. – Ташкент: САКУ, 1926. Б. 48-92; Зелькина. Как не нужно писать историю коммунистической партии Туркестана // Коммунистическая мысль. Книга 3. – Ташкент: САКУ, 1927. – Б. 162-167.
13. Зелькина. Как не нужно писать историю коммунистической партии Туркестана. ... – С. 162-167.
14. Зелькина. Как не нужно писать историю коммунистической партии Туркестана. ... – С. 163-164.
15. Божко Ф. Гражданская война в Средней Азии. – Ташкент: УзГиз, 1930; Алексеенков П. Что такое басмачества. – Ташкент: Узгиз, 1931; Манжара Д.И. Революционное движение в Средней Азии 1905-1920 гг. (Воспоминания). – Ташкент: Средазпартиздат, 1934; Шу муаллиф. Совет ҳокимияти учун кураш. – Тошкент: Ўздавнашр, 1935.
16. Манжара Д.И. Революционное движение в Средней Азии 1905–1920 гг. (Воспоминания). – Ташкент: Средазпартиздат, 1934.
17. Манжара Д.И. Революционное движение в Средней Азии 1905–1920 гг. (Воспоминания). ... – Б. 34-35.
18. Стасова Е. Ленин ва Сталин партиясини тозалаш тўғрисида. – Тошкент: Ўзпартнашр, 1933; Бутун иттифок коммунист (б) лар партиясини программа ва устави. – Тошкент: Ўзпартнашр, 1934; ВКП(б) қисқача тарихи. В.Кнорин тахрири остида. – Тошкент: Ўзпартнашр, 1936; Житов К., Непомнин В. От колониального рабства к социализму (К 15-летию образования Узбекской ССР). – Ташкент: Партийное издательство ЦК КП(б) Уз, 1939.
19. Житов К., Непомнин В. От колониального рабства к социализму (К 15-летию образования Узбекской ССР). – Ташкент: Партийное издательство ЦК КП(б) Уз, 1939. – С. 52-57.
20. Сталин И. Буюк бурулиш йили. – Самарканд-Баку: Ўзнашр, 1930; Ўша муаллиф. Буржуазия назарияларининг илдизини қуритайлик. – Самарканд: Ўзнашр, 1930; Большевизм тарихидан баъзи масалалар. – Тошкент: Ўзнашр, 1932; Ленинизм масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон партия нашриёти, 1934.
21. Эшонов О. Улуғ Сталин Конституцияси социалистик давлатимизнинг асосий қонуни. ... дисс. – Тошкент, 1946. – Б. 38.
22. Житов К. Краткий очерк истории Узбекской ССР. – Ташкент: Государственное издательство Уз ССР, 1947; Ўша муаллиф. Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Узбекистане. – Ташкент: Государственное издательство Уз ССР, 1949.
23. Подготовка и проведение Великой Октябрьской социалистической революции в Узбекистане. Сборник документов. – Ташкент, 1947; Мужественные борцы за дело Ленина-Сталина (памяти 14 Туркестанских комиссаров). Сборник статей. – Ташкент: Государственное издательство. УзССР, 1949.
24. Житов К. Краткий очерк истории Узбекской ССР. ... – С. 26.
25. Мужественные борцы за дело Ленина-Сталина (памяти 14 Туркестанских комиссаров). Сборник ... – С. 28.
26. Турсунов М.Т. Денежное обращение в Туркестанской АССР в период гражданской войны. Дисс. ... канд. эконом. наук. – Ташкент, 1948; Сабиров Х.Р. Государственные бюджеты Туркестанской Автономной Советской социалистической республик. Дисс. ... канд. экон. наук. – Ташкент, 1949.
27. Вишинский А.Я. Ленин совет давлатининг буюк ташкилотчиси. – Тошкент, Ўздавнашр, 1946; Котляр П., Вайс М. Как проводились выборы в Туркестане в местное

управление и в государственную думу. – Ташкент: Государственное издательство УзССР, 1947; Степанян Ц. Октябрь Революцияси ва СССРда социализм ғалабаси. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948; Калашников К. Большевиктик агитациянинг асосий хусусиятлари. – Тошкент: “Қизил Ўзбекистон” ва “Правда востока” бирлашган нашриёт, 1948; Генкина Э.Б. СССРнинг ташкил топиши. – Тошкент: Ўздавнашр, 1949.

28. Котляр П., Вайс М. Как проводились выборы в Туркестане в местное управление и в государственную думу. – Ташкент: Государственное издательство УзССР, 1947. – С.21.

29. Вишинский. А.Я. Ленин совет давлатининг буюк ташкилотчиси. ... – Б. 34.

30. Калашников К. Большевиктик агитациянинг асосий хусусиятлари. ... – Б. 4.

31. Ўзбекистон ССР тарихи. I-том. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, 1956; Иноятов Х.Ш. Ўзбекистонда октябрь революцияси. – Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1957. – Б. 400-427; Непомнин В.Я. Очерки истории социалистического строительства в Узбекистане (1917-1937 гг). –Ташкент: Наука, 1957; Вахобов М. Тошкент уч революция даврида. – Ташкент: Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, 1958.– Б. 286-289; Турсунов Ҳ.Т. Ўзбекистон Совет социалистик республикасининг барпо этилиши. – Тошкент: Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, 1958. – Б. 10-105; Иноятов Х.Ш. Октябрьская революция в Узбекистане. – М: Политической литературы, 1958. – С. 292-315; Харин В.П. Великая октябрьская социалистическая революция в Узбекистане. – Ташкент: Издательство САГУ, 1958; Гордиенко А.А. Творческая роль советского государства и права в социалистическом преобразовании Туркестана. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1959.

32. Сулаймонова Х.С. Создание и развитие советских судебных органов в Туркестанской АССР. (1917-1924). Дисс. ... док. юрид. наук. – Ташкент, 1953.

33. Раджабов С. Роль великого русского народа в исторических судьбах народов Средней Азии. – Ташкент: Государственное издательство УзССР, 1955.- С.128.

34. Раджабов С. Роль великого русского народа в исторических судьбах народов Средней Азии. ... – С. 128.

35. Из истории Советского Узбекистана. Сборник статей. – Ташкент: Издательство Академии Наук Узбекской ССР, 1956; В Боях за советскую власть в Ферганской долине: Воспоминания участников Октябрьской Революции и гражданской войны 1917-1823 гг. – Ташкент: Издательство Академии Наук Узбекской ССР, 1957.

36. Сборник: материалы воспоминаний участников гражданской войны в Туркестане. Част II. – Ташкент, 1956; Октябрьская социалистическая Революция и гражданская война в Туркестане. Воспоминания участников. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1957.

37. Воскобойников Э., Зевелев А. Турккомисия ВЦИКа СНК РСФСР и Туркбюро ЦК РКП(б) в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1951; Рабочий контроль и национализация промышленности в Туркестане (1917-1920 гг.). Сборник документов. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1955; Давлет-Юсупов М.Х. “Союз “Кошчи” и его роль в укреплении советской власти и во восстановлении сельского хозяйства в Туркетанской АССР (1919-1924 гг). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1956; Резолюции и постановления съездов коммунистической партии Туркестана (1918-1924 гг.). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1958; Бобохўжаев А.Х. Совет давлатини Де-Факто ва Де-Фре таниш даврида Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқда инглиз антисовет сиёсатининг барбод бўлиши (1919-1924 йиллар). – Тошкент: Ўзбекистон ССР фанлар академияси нашриёти, 1959; Зевелев А.И. Из истории гражданской войны в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1959; Гордиенко А.А. Творческая роль советского государства и права в социалистическом преобразовании Туркестана. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1959.

38. Зевелев А.И. Из истории гражданской войны в Узбекистане. ... – С. 16.

39. Ўзбекистон ССР тарихи. I-том. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1956; Турсунов Ҳ.Т. Ўзбекистон совет социалистик республикасининг барпо этилиши. – Тошкент: Ўзбекистон ССР фанлар академияси нашриёти, 1958.

40. Турсунов Ҳ.Т. Ўзбекистон совет социалистик республикасининг барпо этилиши. ... – Б. 46.
41. Яковлев Г.М. Улуғ октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиш учун Туркистонда олиб борилган куролли кураш (1917-1921 йиллар). – Тошкент: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Ўзбекистони Сурх” бирлашган нашриёти, 1958.
42. Иномжонов З. Туркистон АССРнинг тузилиши ва ривожланиши. – Тошкент: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Ўзбекистони Сурх” бирлашган нашриёти, 1957.
43. Ушбу низом номланиши совет даври адабиётларида турлича берилган: “Туркистон Совет Федератив Республикасини тузиш ҳақида”ги Низом, “Туркистон Совет Республикаси”нинг Низом.
44. Иномжонов З. Туркистон АССРнинг тузилиши ва ривожланиши. – ... Б. 18-24; Турсунов Ҳ.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. ... – Б. 31-33; Гордиенко А.А. Творческая роль советского государства и права в социалистическом преобразованием Туркестана.
45. Воскобойников Э., Зевелев А. Турккомиссия ВЦИКа и СНК РСФСР и Туркбюро ЦК РКП(б) в борьбе за укрепление советской власти в Туркестане. ... – С. 72-73; Турсунов Ҳ.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. ... – Б. 30-32.
46. Турсунов Ҳ.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. ... – Б. 35-40.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000